



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

# ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ ШАРҲИ

2020 йил I чорак

Тошкент 2020

## Мундарижа

|   |    |
|---|----|
| <b>Резюме</b> .....   | 3  |
| <b>I. Иқтисодий ривожланиш прогнозлари</b> .....  | 7  |
| <b>II. Ташқи ва ички иқтисодий шароитлар</b> .....  | 12 |
| Ташқи иқтисодий шароитлар .....   | 12 |
| Ташқи савдо операциялари .....  | 14 |
| Валюта курси .....  | 15 |
| Ички иқтисодий шароитлар.....   | 17 |
| Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари .....   | 17 |
| Иқтисодий ўсиш .....  | 18 |
| Ҳавола. Пандемия (эпидемия)дан кейинги иқтисодий тикланиш:<br>Жаҳон тажрибасининг қисқача шарҳи ..... | 20 |
| <b>III. Инфляция ва инфляцион кутилмалар</b> .....  | 22 |
| ЯИМ дефлятори .....   | 22 |
| Истеъмол нархлар индекси .....  | 23 |
| Базавий инфляция .....  | 26 |
| Инфляцион кутилмалар .....  | 27 |
| <b>IV. Пул-кредит шароитлари</b> .....  | 29 |
| Пул-кредит операциялари .....   | 29 |
| Пул бозори.....   | 31 |
| Пул массаси ва депозитлар.....  | 33 |
| Фоиз ставкалар.....   | 35 |
| Кредитлар динамикаси.....   | 37 |

## Резюме

Марказий банк Бошқарувининг 2020 йил 14 апрелдаги қарори билан асосий ставка **1 фоиз** бандга пасайтирилиб, йиллик **15 фоиз** даражасида белгиланди.

Ушбу қарор ташқи ва ички талабнинг қисқариши шароитида иқтисодий фаолликнинг секинлашувини ҳисобга олиб инфляция прогнозларини пасайиш томонга қайта кўриб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Таъкидлаш лозимки, карантин билан боғлиқ чеклов чораларининг киритилиши муносабати билан март ойининг учинчи ўн кунлигида бир қатор истеъмол маҳсулотлари, жумладан, асосий озиқ-овқат товарлари ва дори-дармонларга бўлган талаб ва уларнинг таклифи ўртасида тафовут юзага келди. Чакана савдо соҳасининг карантин шароитларига мослашиши натижасида ушбу маҳсулотлар нархларида ўсиш кузатилди. Карантин чоралари юмшатилиши билан ушбу омилнинг нархлар даражасига таъсири аста-секин камайиб бориши кутилмоқда.

Жорий йилнинг иккинчи чорагида ва 2020 йил сўнгига қадар талаб омилларининг мўътадиллашиши ва мос равишда инфляция даражасига бўлган босимнинг камайишини инобатга олиб, инфляциянинг янгиланган прогноз кўрсаткичларига кўра, 2020 йил якуни бўйича инфляция даражаси дастлабки прогноздан (12-13,5 фоиз) **1 фоиз** бандга пасайиб **11-12,5 фоизни** ташкил этиши кутилмоқда.

Бошқарувнинг олдинги (жорий йил 5 мартдаги) йиғилишида тартибга солинадиган нархларнинг эркинлаштирилиши ва коронавирус пандемиясининг инфляцияга таклиф омиллари орқали таъсири билан боғлиқ ноаниқликларнинг сақланиб қолиши шароитида асосий ставка ўзгаришсиз қолдирилган эди.

Тартибга солинадиган нархларни эркинлаштириш муддатларининг кечиктирилиши ҳамда жорий иқтисодий шароитлар коронавирус пандемиясининг инфляция даражасига таъсири кўпроқ талаб омиллари томонидан бўлаётганлигини ва келгусида ушбу омилларнинг пасаювчи характерга эга бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

**Иқтисодий фаоллик.** Жорий йилнинг март ойидан бошлаб жаҳонда ва Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш борасида олиб борилаётган

чораларнинг кучайтирилиши ва нефть нархининг пасайиши натижасида иқтисодий ўсишнинг секинлашиши кузатилмоқда.

Иқтисодий фаолликнинг пасайиши, ўз навбатида, аҳоли даромадларининг қисқариши ва ички талабнинг сезиларли даражада пасайишига олиб келади.

Бу, биринчи навбатда, банк тизими орқали амалга оширилаётган транзакциялар сонига, шунингдек, Ўзбекистон товар-хомашё биржасида амалга оширилган битимлар сонига ўз аксини топмоқда.

Албатта, чеклов чораларининг босқичма-босқич бекор қилиб борилиши натижасида иқтисодий фаоллик аста-секин инқирозгача бўлган даражасига қайтади ва бу, айти пайтда маълум бир вақтни талаб қилади.

Шу билан бирга, иқтисодиётни кредитлаш фаоллигида ҳам маълум бир пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. 2020 йил январь-апрель ойларида тижорат банклари томонидан иқтисодиётга ажратилган кредитлар қолдиғи ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,5 фоиз бандга секинлашиб 7 фоизни ташкил этди.

Банклар томонидан жисмоний шахсларни тўлов муддати келган кредитларининг 75 фоизи, юридик шахсларни эса 58 фоизи бўйича тўлов муддатлари узайтириб берилди. Бу, ўз навбатида, банкларга пул оқимларининг кириб келиши пасайиши ҳисобига уларнинг кредитлаш имкониятининг маълум бир даражада қисқаришига олиб келади.

**Инфляция ва инфляцион кутилмалар.** Жорий йилнинг I чорагида инфляция даражасининг дастлабки прогноз кўрсаткичларидан тезроқ суръатларда пасаяётгани кузатилиб, март ойида йиллик инфляция **13,6 фоизни** ташкил этди.

2020 йил I чорагида истеъмол нархлари ошиши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,5 фоиз** бандга секинлашиб, **2,8 фоизга** тенг бўлди. Бу дастлабки прогнозларга нисбатан **0,5 фоиз** бандга пастдир.

Бу асосан, мазкур даврда айрим тартибга солинадиган нархларнинг ўзгаришсиз сақланиб қолинганлиги ҳамда қатъий фискал ва пул-кредит сиёсати юритилиши ҳисобига базавий инфляция даражасининг секинлашиши билан изоҳланади.

Шу билан бирга, Марказий банкнинг ҳудудлардаги кузатувларига кўра, жорий йил апрель ойининг биринчи ярмида айрим асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўсиши ҳисобига аҳоли томонидан **сезилган инфляция** маълум бир даражада ошди.

Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу асосий маҳсулотлар нархининг ўсиши қисқа муддатли бўлиб, ойлик инфляция даражасини оширади. Карантин чораларининг юмшатилиши ва бозорларнинг янги мева-сабзавот маҳсулотлари билан тўйиниши ҳисобига ушбу товарлар гуруҳида нархлар келгуси ойларда мувозанатлашади.

Жорий йилнинг апрель ойида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан курсида асосан ташқи омиллар таъсирида тўғриланиш кузатилди. Бу маълум даражада, импорт нархлари даражасига таъсир кўрсатиши мумкин. Айти пайтда, импорт қилинадиган ноозик-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг пастлиги карантин ва тикланиш даврида ушбу омилнинг инфляцияга таъсирини камайтиради.

Март ойида аҳолининг **инфляцион кутилмалари 15,5 фоиз** даражасида ўзгаришсиз қолди. Иқтисодиётда келгусида инфляциянинг, айтиқса, сезилаётган инфляциянинг янада пасайиши ва карантин чекловларининг юмшатилиши, ўз навбатида, инфляцион кутилмалар пасайишига хизмат қилади.

**Пул-кредит шароитлари.** 2020 йил январь-апрель ойларида банк тизимида ликвидлик даражаси Марказий банк томонидан ўтказилган пул-кредит операциялари таъсирида шаклланиб, банк тизими барқарорлигини таъминлаш учун етарли даражада бўлди.

Пул-кредит операцияларидан тижорат банклари ҳам ликвидлик тақдим этиш ҳам ортиқча ликвидликни жалб қилиш мақсадида фойдаланилиши банк тизимида ликвидликнинг бир маромда қайта тақсимланишига ва пул бозоридаги фоиз ставкаларининг Марказий банк фоиз коридори доирасида шаклланишига хизмат қилди.

Жорий йилнинг I чорагида пул бозоридаги ўртача тортилган фоиз ставка 15,6 фоизни ва апрель ойининг ўтган даврида 16,6 фоизни ташкил этди.

2020 йил январь-апрель ойларида аҳолининг миллий валютадаги муддатли депозитлари қолдиғи 10 фоизга ошди.

Карантин даврида жисмоний шахсларнинг пластик карталаридаги маблағлар қолдиғида ўсиш кузатилмоқда. Апрель ойида пластик карталардаги маблағлар 26 фоизга ошди.

Жорий йилнинг февраль ва март ойларида, пул-кредит операциялари доирасида, тижорат банклари томонидан Марказий банкнинг депозит инструментларига юқори талаб бўлган бўлса, апрель ойдан бошлаб бунда сезиларли ўзгаришлар кузатилди ва банклар

асосан ликвидликни тақдим қилиш инструментларига мурожаат қила бошлашди.

Апрель ойида банкларга аукцион шаклида ликвидликни тақдим этиш операциялари ҳажми март ойига нисбатан 23 фоизга, овернайт шаклида эса 3 баробардан ортиққа ўсди.

**Ноаниқлик ва хатарлар.** Коронавирус пандемиясининг иқтисодий таъсир кўлами ва давомийлиги бўйича ноаниқликлар сақланиб қолмоқда.

Ташқи иқтисодий шароитларнинг ёмонлашиши шароитида мамлакатимизга кириб келадиган трансчегаравий пул ўтказмалари йиллик миқдори ўтган йилга нисбатан сезиларли даражада қисқариши кутилмоқда.

Бунда, Марказий банк ташқи ва ички шароитлар таъсирида инфляциянинг омиллари ва хатарлари хусусиятини чуқур ўрганишда давом этади ҳамда инфляция прогноз динамикасининг шаклланишидан келиб чиқиб асосий ставка даражаси бўйича тегишли қарорларни қабул қилиб боради.

## I. Иқтисодий ривожланиш прогнозлари

2020 йилда Ўзбекистоннинг асосий савдо-ҳамкор давлатлари иқтисодиёти ва умуман жаҳон иқтисодиёти қийин даврларни бошидан кечирмоқда. Жорий йил март ойининг иккинчи ярмидан бошлаб мамлакатда иқтисодий фаолликнинг пасайиши, ички ва ташқи талабнинг қисқариши кузатилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, инқирознинг таъсир кўлами ва унинг давомийлиги бўйича юқори ноаниқлик сақланиб қолаётган шароитда, макроиқтисодий параметрларнинг янгиланган прогноз кўрсаткичлари, уларнинг жорий динамикаси ҳамда келгуси даврлардаги трендлари бўйича мутахассисларнинг эксперт хулосалари асосида ишлаб чиқилди.

Бунда, вазият мувозанатлашувининг янада узоқроқ муддатга чўзилиши молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларнинг янада ёмонлашишига ва уларнинг прогноз параметрларидан четлашишига олиб келиши мумкин. Ноаниқликларнинг камайиши ва узоқ муддатли прогнозлар учун мустаҳкам асоснинг шаклланиши билан кўрсаткичлар бўйича баҳолар тўғрираб борилади.

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни қайта кўриб чиқиш мамлакат ичида ва Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларидаги иқтисодий фаолликнинг сусайиши, асосий экспорт товарлари нархларининг пасайиши, шунингдек, ички инвестициялар ва иқтисодиётдаги истеъмол талаби ва аҳолининг умумий даромадлари қисқариши бўйича шартларга асосланади.

### Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози

(ўсиши, ўтган йилга нисбатан фоизда)

| Кўрсаткичлар                              | 2019 | 2020              |                    |
|---|------|-------------------|--------------------|
|   | факт | дастлабки прогноз | янгиланган прогноз |
| Реал ялпи ички маҳсулот                   | 5,6  | 5,2-5,5           | 1,5-2,5            |
| Йиллик инфляция                           | 15,2 | 12-13,5           | 11-12,5            |
| Яқуний истеъмол харажатлари               | 6,6  | 2,8               | -1,4               |
| Трансчегаравий пул ўтказмалар             | 19   | 10                | (-30) –(-35)       |
| Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши       | 33,9 | 10                | 6,4                |
| Иқтисодиётга ажратилган кредитлар қолдиғи | 54,8 | 20-25             | 18-22              |

Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Марказий банкнинг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, 2020 йилда реал **ялпи ички маҳсулот** (ЯИМ)нинг ўсиш суръати **1,5-2,5** фоизгача секинлашиши кутилмоқда.


Туризм, меҳмонхона бизнеси, халқаро транспорт, кўнгил очар соҳалар, спорт, эксклюзив хизматлар ва бошқа соҳаларда ўсиш суръатларининг сезиларли даражада пасайиши кутилмоқда.

Жорий ҳисоб-китоблар 2020 йилда **якуний истеъмол харажатлари 1,4 фоизгача** пасайиши ва **ялпи асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръати 2019 йилдаги 34 фоиздан 2020 йилда 6,4 фоизгача** секинлашиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, олтин нархининг ўсиши ва мева-сабзавот экспортининг кўпайиши давлат бюджети ва хўжалик юритувчи субъектларнинг даромадларига ижобий таъсир кўрсатади ва маълум даражада солиқ тушумлари камайиш бўйича таъсирларни юмшатади.

Инқирозга қарши жамғарманинг шакллантирилиши ва унга халқаро молия институтлар маблағларининг ҳам жалб қилиниши, шунингдек, карантин даврида даромадларини йўқотган аҳолига ёрдам бериш учун махсус жамғармаларга маблағлар йиғилиши каби чоралар пандемиянинг салбий оқибатларини юмшатиш имконини беради.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2020 йилда **ишлаб чиқаришнинг салбий тафовути -2,5** фоизгача кенгайиши, яъни реал маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг потенциалга нисбатан секинроқ ўсиши кутилмоқда. Ишлаб чиқаришнинг салбий тафовути 2021 йилда ҳам сақланиб қолади.




Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари



Асосий савдо-ҳамкор давлатларда иқтисодий фаолликнинг пасайиши Ўзбекистонга валюта оқими ҳажмига таъсир кўрсатади.

Марказий банк ҳисоб-китобларига кўра, ташқи иқтисодий шароитларнинг Ўзбекистонга пул ўтказмаларининг камайишига салбий таъсири 2020 йилнинг II чорагидан бошлаб тўлиқ намоён бўла бошлайди ва уларнинг ҳажми йил охирига қадар ўтган йилга нисбатан паст бўлади.



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, **трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми** ўтган йилга нисбатан **30-35 фоизга** қисқаради. Бунда, апрель-июль ойларида пул ўтказмаларининг камайиши (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ойлик) 50 фоизга етиши мумкин ва кейинчалик босқичма-босқич тикланиш кузатилади.


Ташқи талаб ва жаҳон бозорларида хомашё нархларининг пасайиши экспорт операциялари динамикасида намоён бўлади. Бунда, жорий йил якунлари бўйича **экспорт ҳажми** 2019 йилга нисбатан **11-12 фоизга** пасайиши прогноз қилинмоқда. Экспортнинг қисқариши, асосан, энергия манбалари, рангли металллар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар ҳамда туризм хизматлари бўйича кутилмоқда. Шу билан бирга, олтин нархининг кўтарилиши маълум даражада қопловчи таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари, ички инвестициялар ва истеъмол талабининг пасайиши ҳамда халқаро таъминот занжирларидаги узилишлар **товар ва хизматлар импортига** бўлган талабни **10 фоизгача** қисқартиради. Импорт ҳажмининг асосан машина ва ускуналар, қурилиш материаллари, қора металллар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар ва хизматлар бўйича камайиши кутилмоқда.

Натижада, дастлабки баҳолашларга кўра, 2020 йилда тўлов балансининг **жорий операциялар ҳисобварағи тақчиллиги** ЯИМга нисбатан 2019 йилдаги 7,2 фоиздан **9,5-9,8 фоизгача** ошади. Ушбу тақчилликни молиялаштириш учун етарли миқдорда валюта тушумини таъминлаш (ташқи кредитлар ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ёки олтин-валюта захираларидан фойдаланиш) мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш учун муҳим ҳисобланади.

Мазкур омиллар маълум даражада бюджет даромадларига ва мос равишда умумий фискал балансга таъсир кўрсатади. 2020 йил якуни бўйича **умумий фискал тақчилликнинг** ЯИМга нисбатан **3,5-4,5 фоизгача** ошиши кутилмоқда.

Юқорида қайд этилган омилларни, шу жумладан талаб омиллари томонидан инфляцияга бўлган босимнинг пасайишини инobatга олган ҳолда, инфляциянинг базавий прогнози дастлабки ҳисоб-китобларга нисбатан (12-13,5 фоиз) **1 фоиз** бандга пасайтириш томонга қайта кўриб чиқилди ва 2020 йил якуни бўйича **11-12,5 фоизни** ташкил этиши кутилмоқда.



Янгиланган инфляция прогнозларини ишлаб чиқишда қуйидаги омиллар инobatга олинди:

**Биринчидан**, ташқи ва ички иқтисодий фаолликнинг пасайиши аҳоли даромадларига таъсир кўрсатади, бу эса бирламчи истеъмол учун зарур бўлмаган товарлар ва хизматларга бўлган талабнинг сезиларли даражада пасайишига олиб келади.

**Иккинчидан**, бир қатор асосий халқ истеъмоли товарлари ва уларнинг хомашёлари импортига 2020 йил 31 декабрига қадар божхона божи ва акциз солиғининг бекор қилиниши ҳам карантин даврида асосий талабгир бўлган товарлар нархларининг кескин ошишини олдини олади.

**Учинчидан**, жорий йилда нархларни либераллаштириш бўйича ислохотлар доирасида энергия ресурслари нархлари оширилишининг навбатдаги босқичининг тўхтатилиши натижасида ушбу омил инфляцияга оширувчи таъсир кўрсатмайди.

**Тўртинчидан**, карантин шароитида айрим озиқ-овқат маҳсулотлари ва бирламчи истеъмол товарлари нархларининг ўсиш динамикаси вақтинчалик характер касб этади. Келгуси ойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари янги ҳосилининг йиғилиши натижасида бозорларни ушбу маҳсулотлар билан тўлдириш ҳамда Ҳукуматнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга ошираётган чоратadbирлари ушбу товарлар гуруҳидаги нархларнинг барқарорлашишига хизмат қилади.

Бозорларни бирламчи зарур товарлар билан таъминлаш ва улар нархининг кескин ўсишини олдини олиш борасида Ҳукумат томонидан таъминот занжирларини йўлга қўйиш ва ички бозорларда товарлар таклифини рағбатлантириш бўйича тизимли чоралар кўрилмоқда.

Айни вақтда, товарларни узлуксиз айирбошлаш ва асосий истеъмол товарлари логистикасини ривожлантириш бўйича ҳаракатларнинг қўшни давлатлар билан самарали мувофиқлаштирилиши ушбу товарлар нархларининг эҳтимолий тебранишларини бартараф этади.

Бундан ташқари, инфляцияни пасайтирувчи юқоридаги омиллар миллий валюта девальвациясининг ички нархларга салбий таъсирини юмшатишга ёрдам беради.

Ўз навбатида, Марказий банкнинг ички валюта бозорига интервенциялари, олтин-валюта захиралари нейтраллиги тамойили асосида, алмашув курсининг фундаментал трендига таъсир этмаган ҳолда амалга ошириб борилади ва бу, ўз навбатида, ташқи шокларнинг иқтисодиётимизга салбий таъсирини алмашув курси канали орқали юмшатиш имконини беради.

## II. Ташқи ва ички иқтисодий шароитлар

### Ташқи иқтисодий шароитлар

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) томонидан 2020 йилнинг январь ойида жаҳон савдосида кутилаётган яхшиланишлар, Европа, Лотин Америкаси, Яқин Шарқ ва Осиёдаги айрим ривожланаётган давлатларда юқоридаги ўсиш суръатлари бўлиши мумкинлиги инobatга олиниб, глобал ЯИМнинг 3,3 фоизга ўсишини прогноз қилинган эди.

Бироқ, 2019 йил охирида бошланган коронавирус пандемияси натижасида январь ойидаги прогнозларга тuzатишлар киритилди ва жаҳон ишлаб чиқариши, халқаро савдо ва хомашё нархларига жиддий таъсир кўрсатди.

Бутун дунё ишлаб чиқаришининг тўртдан бир қисмини ташкил этадиган ва глобал таъминот занжирлари орқали кўплаб давлатлар билан боғлиқ бўлган Хитой иқтисодиёти 2020 йилнинг I чорагида йиллик ҳисобда 6,8 фоизга ва чораклик ҳисобда 9,8 фоизга пасайди (6-расм).

Бунда, меҳмонхона ва ресторан бизнеси, улгуржи ва чакана савдо, қурилиш ва саноат ишлаб чиқариши асосий зарар кўрган соҳалардан бўлди (7-расм).




Манба: Хитой статистика миллий бюроси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари

Хитойда ва умуман дунёда иқтисодий фаолликнинг бундай пасайиши, аввало, Ўзбекистоннинг асосий экспорт товарлари – табиий

газ, мис, пахта, темир рудаси, кўмир ва рангли металллар нархларига таъсир кўрсатди (8-расм).

Январь-апрель ойларида табиий газнинг нархи 38 фоизга, мис нархи – 15 фоизга, нефт – деярли 65 фоизга арзонлашди (9-расм).



Манба: “Bloomberg” интернет наشري


Пандемиянинг кучайиб бориши шаротида, жорий йилнинг март ойида ОПЕК+<sup>1</sup> аъзолари томонидан нефт қазиб чиқаришни қисқартириш бўйича келишувга эришилмаганлиги ҳисобига нефт бозори инқирозга юз тутди ва март ойида “қора олтин” нархи деярли 30 фоизга пасайди ҳамда март охирида 1 баррел учун 20 долларни ташкил қилди.

Фаолликнинг барча ҳудудларда бирдек кескин қисқариши натижасида I чорак якунлари бўйича ривожланган давлатлар билан бир қаторда ривожланаётган давлатларда ҳам ЯИМ қисқариши кутилмоқда (10-расм).

ХВЖнинг апрель ойидаги янгиланган прогнозларига мувофиқ, 2020 йилда жаҳон иқтисодиёти 2007-2008 йиллардаги глобал молиявий-иқтисодий инқироздан сўнг биринчи марта салбий ўсиш даражасида бўлади ва 30-йиллардаги Буюк депрессиядан бери энг юқори даражадаги -3 фоизлик пасайишни қайд этади.

2020 йилда асосий савдо ҳамкорларимизда ЯИМ ҳажмининг пасайиши, хусусан, Россияда 5,5 фоизга, Қозоғистонда – 2,5 фоизга ва Туркияда – 5 фоизга пасайиши прогноз қилинмоқда. Хитойда эса иқтисодий ўсишнинг 1,2 фоизгача секинлашиши кутилмоқда (11-расм).

<sup>1</sup> “ОПЕК+” – нефт экспорт қилувчи давлатлар ва илгари ОПЕКга аъзо бўлмаган Россия ва бошқа давлатларни бирлаштирувчи ташкилот.



Манба: Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш истиқболлари, ХВЖ, 2020 йил апрель

### Ташқи савдо операциялари

Январь-март ойларида республиканинг ташқи савдо ҳажми 924,1 млн. долларга камайиб, 8,1 млрд. долларни ташкил этди. Бунда, ташқи иқтисодий фаолликнинг пасайиши, асосан, жами ташқи савдо ҳажмининг 16,8 фоизи тўғри келадиган Хитой билан савдо айланмасининг 17,5 фоизга, Қозоғистон билан 13,7 фоизга ва Корея Республикаси билан 22,1 фоизга қисқариши билан изоҳланади.


2020 йилнинг I чорагида экспорт 10,9 фоизга камайиб, 3,4 млрд. долларни ташкил этди ва бу, асосан, табиий газ (29,6 фоизга), пахта толаси (46,9 фоизга), рангли ва қора металллар (мос равишда 19 ва 20,8 фоизга) ва бошқа товарлар экспортининг камайиши билан боғлиқ (12-расм).

Бироқ, олтин нархининг ўсиши ташқи савдо умумий балансини қўллаб-қувватлашга ва унинг тақчиллигини 2020 йилнинг I чорагида 1,5 млрд. доллардан 1,4 млрд. долларгача қисқартиришга ёрдам берди.

Бундан ташқари, чеклов чоралари ва мамлакатлар томонидан чегараларнинг ёпилиши шароитида, I чорақда товар ва хизматлар импортининг сезиларли даражада – 9,7 фоизга ёки 4,8 млрд. долларгача пасайиши кузатилди. Бу, биринчи навбатда, ускуналар ва бутловчи қисмлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг қисқариши билан боғлиқ (13-расм).

Мамлакатлар томонидан карантин чораларининг бекор қилиниши билан карантин даврида амалга оширилмаган савдо операцияларининг ва савдо фаолиятининг тикланиши, шунингдек, ҳукуматлар томонидан

иқтисодийни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар яқин истиқболда савдо оқимларининг кескин ўсишига олиб келади.



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари

## Валюта курси


Жорий йилнинг март ойидан бошлаб, асосий савдо ҳамкорларимиз валюталарининг қадрсизланиши ва асосий хомашё товарлари нархларининг пасайиши шароитида, экспорт ва пул ўтказмаларидан валюта тушумлари сезиларли даражада пасайди. Айти пайтда, республикада паст иқтисодий фаоллик шароитида импортга бўлган талабнинг сезиларли ўсиши кузатилмади.

Апрель ойининг дастлабки 3 ҳафтасида доллар алмашув курси ўртача **6,7 фоизга** ўсди. Бунга, ўз навбатида, ички валюта бозорида алмашув курсининг маълум даражада тўғриланиши сифатида қараш мумкин.

Сўм алмашув курсидаги мазкур тўғриланиш жорий йил март ойида асосий савдо ҳамкорларимиз миллий валюталарининг қадрсизланиши натижасида юзага келган **реал эффе́ктив алмашув курси** тафовутининг ёпилишига хизмат қилди (14-расм).

Бундан ташқари, жорий йил апрелдан бошлаб асосий савдо ҳамкорлар валюталари курслари қадри бироз ошиб, нисбатан барқарор динамикани кўрсатмоқда.

**14-расм. Реал эффектив алмашув курси тафовути ўзгариши**  
(фоизда, йиллик ўзгариш)



Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси, асосий савдо ҳамкорлар Марказий банклари, Investing.com, TradingEconomics.com. веб-саҳифалари маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари. \* Дастлабки маълумотлар асосида 2020 йил апрель ойи ҳисоб-китоблари.

Янгиланган прогнозларга кўра, асосий савдо-ҳамкор давлатларда инфляция даражаси дастлабки прогнозларга нисбатан бирмунча юқори бўлади.

Қисқа муддатли истиқболда фундаментал омиллар томонидан сўмнинг номинал алмашув курсига девальвацион босимнинг юзага келиши кутилмаяпти.



## Ички иқтисодий шароитлар

### Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари


2020 йилнинг I чораги давомида иқтисодий фаолликнинг турли йўналишли тенденцияси кузатилди. Агар чоракнинг биринчи ярмида ижобий ўсиш тенденцияси кузатилган бўлса, март ойидан иқтисодий фаоллик пасая бошлади.

Жорий йилнинг иккинчи чорагида ҳам фаолликнинг пасайиши давом этиши кутилмоқда. Бунда, иқтисодиётнинг жонланиши, биринчи навбатда, карантин чораларининг тугаш муддати ва иқтисодиёт субъектларининг янги шароитларга мослашишига боғлиқ бўлади.

Иқтисодий фаолликнинг пасайиши, асосан, банк тизими орқали амалга ошириладиган транзакциялар сонидан ўз аксини топди.

Хусусан, 2020 йил март ойида банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6 фоизга ва жорий йилнинг февраль ойига нисбатан 2 фоизга камайди.

Жорий йил апрелнинг дастлабки 15 иш кунинда, операциялар сони март ойининг мос даврига нисбатан 35 фоизга қисқарди (15-расм).



Манба: Ўзбекистон товар-хомашё биржаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.


Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржасида тузилган битимлар ҳажми ҳам сезиларли даражада пасайди. Хусусан, апрель ойининг дастлабки икки ҳафтасидаги харидлар ҳажми март ойининг мос даврига нисбатан 25 фоизга камайди (16-расм).

Битимлар ҳажмининг сезиларли пасайиши март ойининг сўнгги ҳафталарига тўғри келди. Апрель ойининг ўрталаридан бошлаб битимлар ҳажми динамикасида бироз тикланиш кузатилмоқда. Буни, ўз навбатида, иқтисодиётнинг янги шароитларга мослашиши сифатида тавсифлаш мумкин.

### Иқтисодий ўсиш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг I чорагида иқтисодий ўсиш 2019 йилнинг мос давридаги кўрсаткичдан 1,6 фоиз бандга пасайиб 4,1 фоизни ташкил этди. Бу айниқса, чорак охирида коронавирус пандемиясининг тарқалиши натижасида иқтисодий шароитларнинг ёмонлашиши билан боғлиқ (17-расм).

Жорий йилнинг I чорагида ишлаб чиқаришнинг салбий тафовути сақланиб қолди (18-расм) ва бу нархлар барқарорлашиши ва инфляция даражаси пасайишининг омилларидан бири бўлди.



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.


Иқтисодий ўсиш суръатлари секинлашишининг асосий омили пандемия сабабли қатор иқтисодиёт тармоқларининг фаолиятини тўхтатиши ҳисобига иқтисодиётдаги инвестициялар ва истеъмол фаоллигининг пасайиши бўлди.

2020 йилнинг I чорагида инвестициялар ҳажми 10,2 фоизга камайган бўлса, чакана товар айирбошлаш ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан (2019 йил I чорақдаги 8,9 фоиздан) 3,8 фоизгача пасайди.

Шу билан бирга, истеъмом талабининг пасайиши жорий йилнинг март ойида мамлакатга трансчегаравий пул ўтказмалари сезиларли даражада – 2019 йилнинг мос ойига нисбатан 26 фоизга қисқариши билан боғлиқ (19-расм).

Жорий йилнинг апрель ойида пул ўтказмалари ҳажми 2019 йилнинг мос ойига нисбатан 50 фоизга камайди. Бироқ, жорий йил апрелда пул ўтказмалари ҳажмининг ҳафталик таҳлилида, апрелнинг учинчи ҳафтасидан бошлаб маълум бир тикланиш қайд этила бошлади.

Юқорида санаб ўтилган барча омиллар, ўз навбатида, реал секторда ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг секинлашишига олиб келди.



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Натижада, жорий йилнинг январь-март ойларида саноат ишлаб чиқаришда ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ)нинг ўсиш суръати 4,0 фоизгача (ўтган йилнинг мос даврида 6,9 фоиз), қурилиш ишлари 6,5 фоизгача (10 фоиз) секинлашди. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги соҳасида ЯҚҚнинг ўсиш суръати маълум даражада – 3,9 фоизгача (ўтган йилнинг мос даврида 2,4 фоиз) тезлашди (20-расм).

Жорий йил I чорақда хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам ЯҚҚ ўсиш суръатлари секинлашди ва 2019 йилнинг мос давридаги 5,3 фоиз ўрнига 3,8 фоизни ташкил этди.

Умуман олганда, I чорақда ички макроиқтисодий шароитлар, коронавирус пандемиясининг тарқалиши, ички ва ташқи чеклов чораларининг жорий этилиши, шунингдек, жаҳон бозорларидаги вазиятнинг ёмонлашиши билан боғлиқ бўлган ноаниқлик ва хатарларнинг ошиши ҳисобига фаолликнинг бир оз секинлашига қарамай, барқарор сақланиб қолди.

## Ҳавола. Пандемия (эпидемия)дан кейинги иқтисодий тикланиш: Жаҳон тажрибасининг қисқача шарҳи

Халқаро тадқиқотлар шуни кўрсатадики, иқтисодий зарарнинг ҳажми ва иқтисодий тикланиш тезлиги вирусли инфекция тарқалишининг олдиниши олиш бўйича чораларнинг самарадорлиги ва пандемия (эпидемия)нинг **тўлиқ йўқ қилиниш муддатига** боғлиқ.

Хусусан, тадқиқот натижаларига кўра, 1918-1919 йилларда АҚШнинг кўп штатларида **испан гриппи** пандемияси ва 2003 йилда Осиёда **SARS** эпидемияси давридаги қатъий карантин чоралари, улар қисқа муддатли иқтисодий пасайишга олиб келган бўлсалар ҳам, пандемияни тезда бартараф этишга ва иқтисодий фаолликнинг тез тикланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қилган<sup>2</sup>.

Шу билан бирга, баъзи Европа мамлакатларида ва АҚШнинг бир қатор штатларида **испан гриппининг** пандемияси (эпидемияси)га қарши **қатъий чораларни кўрмаслик** вируснинг тарқалиши билан боғлиқ иқтисодий инқирознинг чўзилишига ва натижада кенгроқ ҳажмдаги иқтисодий йўқотишларга олиб келди.

Халқаро тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, карантин даври тугаганидан сўнг, иқтисодиёт, шу жумладан, карантин чекловларидан энг кўп зарар кўрган соҳаларга пандемияга қадар бўлган даражасига қайтиши учун ўртача **3-12 ой** керак бўлади.

Хусусан, электротехника ва енгил саноат, қурилиш материаллари саноати, қурилиш ишлари, молиявий ва тиббий хизматлар соҳаларида иқтисодий фаолликнинг тезроқ (*ўртача тикланиш даври 2-3 ой*) тикланиши аниқланган.

Шу билан бирга, қуйидаги соҳаларда иқтисодий фаоллик нисбатан секин тикланади:

туризм соҳасида – **5-10 ой** (*Мексикада 2013 йилда H1N1 пандемияси – 5 ой, Жанубий Кореяда MERS эпидемияси – 6 ой, 2003 йилда Гонконг ва Хитойда SARS эпидемияси – мос равишда 5 ой ва 10 ой*);

хизматлар ва чакана савдода – **4 ой**;

йўловчи ташишда – **3-7 ой**, шу жумладан ҳаво транспорти – **5 ой** (*2003 йилда Осиё мамлакатларида SARS эпидемияси*)<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> Correia, S., S. Luck and E. Verner (2020). “Pandemics Depress the Economy, Public Health Interventions Do Not: Evidence from the 1918 Flu” and Keogh-Brown, M., R. Smith (2008). “The Economic Impact of SARS: How Does Reality Match the Predictions”. Health Policy. Volume 88, Issue 1, October 2008, p. 110-120.

<sup>3</sup> “Comparing SARS and Coronavirus economic impact”. Daxue Research & Consulting. February 2020. “Economic impact of SARS: the case of Hong Kong”. January 2004. Asian Economic Papers 3(1): 62-83

Ушбу тармоқларда иқтисодий фаолликнинг нисбатан секин тикланиши карантин чекловларининг нисбатан кеч олиб ташланиши ва аҳолининг пандемиядан кейинги ҳолатларга мослашиши учун маълум бир вақт талаб қилиниши билан боғлиқ.

Умуман олганда, халқаро тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, пандемия (эпидемия)нинг салбий оқибатларини минималлаштириш ва иқтисодий фаолликнинг тезроқ тикланишини таъминлашнинг асосий омилларидан бири бу вирус тарқалишига қарши ўз вақтида ва қатъий (агрессив) карантин чораларини қўллаш орқали пандемия (эпидемия)ни имкон қадар тезроқ бартараф этишдир.

---

Rassy D. and Smith RD (2013). "The economic impact of H1N1 on Mexico's tourist and pork sectors". John Wiley & Sons, Ltd.

Joo H. and others (2019). "Economic impact of the 2015 MERS outbreak on the Republic of Korea's Tourism-Related Industries". Health Security. 2019 Mar/Apr; 17(2): 100-108.

### III. Инфляция ва инфляцион кутилмалар


#### ЯИМ дефлятори

Ички бозорда талаб ва таклиф ҳажмлари мувозанатлашиши натижасида, 2020 йилнинг I чорагида йиллик инфляция суръатлари пасайиши кузатилди. Хусусан, март ойида ялпи ички маҳсулот дефлятори 14,1 фоизни (ўтган чоракка нисбатан 5,1 фоиз бандга камайди), истеъмол нархлари индекси 13,6 фоизни (1,6 фоиз бандга) ташкил этди.

ЯИМ дефляторининг пасайиш динамикаси 2018 йилдаги инвестицияга бўлган талабнинг кескин ўсиши ва олдинги йиллардаги энергия ресурслари нархларининг индексацияланиши таъсирлари аста-секин камайиб бораётганини кўрсатмоқда. Бироқ, энергия нархлари ўзгаришининг ЯИМ дефляторига таъсири 2020 йилнинг III чораги охиригача сақланиб қолиши кутилмоқда.

#### 21-расм. Инфляция кўрсаткичлари ўзгариши динамикаси


(йиллик ўзгариши, фоизда)



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Шу билан бирга, 2019 йилда ташқи талаб ва уй хўжалиklarининг пировард истеъмол харажатлари таъсирларининг камайиши ЯИМ дефляторининг пасайишига хизмат қилган бўлса, давлат сектори харажатлари эса оширувчи омил бўлди. 2020 йилнинг I чорагидан ЯИМ дефляторига давлат харажатларининг таъсири ҳам пасайиб борди.

## 22-расм. ЯИМ дефлятори ва ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси таркиби ўзгариши (ҳиссаси фоиз бандда)



Пандемия шароитларида юзага келган макроиқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда, йил охирига қадар ЯИМ дефляторининг сезиларли даражада пасайиши кутилмоқда. Бу асосан тартибга солинадиган нархларнинг ўзгаришсиз қолиши ва йил охиригача иш ҳақилар ошмаслиги билан изоҳланади.


Бундан ташқари, асосий энергия манбалари жаҳон нархларининг пасайиши, хусусий сектор харажатларининг қисқариши ва инвестициявий фаолликнинг пасайиши нархларга бўлган босимни камайтиради, олтин қимматлашиши эса ЯИМ дефляторига оширувчи таъсир кўрсатади.

### Истеъмол нархлар индекси

2020 йилнинг I чорагида истеъмол нархлари индексида (ИНИ) ҳам пасайиш кузатилди. Хусусан, мазкур даврда ИНИ 2019 йилнинг мос чорагига нисбатан 1,5 фоиз бандга пастроқ бўлиб, 2,8 фоизни ташкил этди.

Озиқ-овқат нархларининг йиллик инфляцияга қўшган ҳиссаси ўтган чоракка нисбатан 1,1 фоиз бандга камайганига қарамай, ушбу гуруҳ ИНИ ўсишининг асосий драйвери бўлиб қолмоқда. Хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўсиши суръати умумий инфляциядан юқори бўлиб, 16,4 фоизни ташкил этди, ноозиқ-овқат товарлари нархлари эса – 10 фоизга, хизматлар (тарифлар) – 14,1 фоизга ошди.

### 23-расм. ИНИ ва унинг асосий таркибий қисмлари динамикаси (йиллик ўзгариш, фоизда)



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Таъкидлаш жоизки, январь-февраль ойларида озиқ-овқат инфляцияси ўтган йилнинг декабрига нисбатан 2,2 фоиз бандга пасайди ва 15,8 фоизни ташкил этди. Бироқ, март ойида карантин билан боғлиқ чекловлар натижасида асосий озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб кескин ошишига жавобан картошка, буғдой уни, лимон, саримсоқ, гречка, ловия ва колбаса маҳсулотлари нархларида ўсиш кузатилди.

Бундан ташқари, март ойидаги инфляцияга мева ва сабзавотлар нархларининг мавсумий ўсиши (4,9 фоизга), енгил автомобиллар нархлари (8,7 фоизга) ва давлат олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқиш харажатлари ошиши (7 фоиз) ҳам ўз таъсирини кўрсатди.


2020 йилнинг I чорагида йиллик инфляцияга ҳам озиқ-овқат нархларининг таъсири сақланиб қолди. Жумладан, нон маҳсулотлари нархлари йиллик 30,1 фоизга, гўшт маҳсулотлари – 24,4 фоизга ва тухум 28,2 фоизга ўсди. Шу билан бирга, мева ва сабзавотларнинг таъсири пасайишда давом этди.

Кейинги чорақларда карантин чоралари туфайли озиқ-овқат маҳсулотларининг нархларига бўлган инфляцион босим сақланиб қолиши кутилмоқда, бунда ички бозордаги асосий озиқ-овқат маҳсулотларини таклиф омиллари ушбу таъсир даражасини белгилайди.



**24-расм. ИНИ таркиби ўзгариши**

(товар ва хизматлар ҳиссаси, фоиз бандда)



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Ноозиқ-овқат товарлари гуруҳидаги ўртача нарх даражасининг ўсиши секинлашишда давом этиб, март ойида йиллик ўсиш 10,0 фоизни ташкил этди. Шунингдек, 2020 йилнинг I чорагида алмашув курсининг барқарорлиги туфайли ёқилғи маҳсулотлари нархларисиз ҳисобланган ноозиқ-овқат товарлари инфляцияси январь ойидаги 10,1 фоиздан мартда 9,2 фоизгача пасайди.

Хусусан, уй-рўзғор буюмлари ва электр жиҳозлари, маданий буюмлар, тозалаш воситалари ва ювиш воситалари нархлари ўсишида сезиларли даражада пасайиш кузатилди. Шу билан бирга, автомобиллар ва тамаки маҳсулотлари нархлари сезиларли даражада ошди.

Таъкидлаш лозимки, миллий валютанинг апрель ойи бошидаги қадрсизланиши импорт нархларига ўз таъсирини кўрсатади. Истеъмол саватининг ноозиқ-овқат товарлари сезиларли импорт улушига эгаллиги ҳисобга олинса, девальвация келгусида ноозиқ-овқат товарлари нархларида намоён бўлади.

Шу билан бирга, карантин ва ундан кейинги даврда кўплаб ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг қисқариши девальвация таъсирини пасайтиради ва натижада ноозиқ-овқат товарлари нархларининг йиллик ўсиш суръатлари секинлашиши кутилмоқда.


I чорақда хизматлар соҳасида, тарифларнинг ўсиш суръатлари пасайишига қарамай, таълим, ҳаво транспорти, маиший ва коммунал хизматлари тарифларининг таъсири сақланиб қолмоқда. Бунда, шартнома асосида давлат университетларида ўқиш йиллик 26,9 фоизга, болалар боғчаси учун тўлов 20,2 фоизга, ҳаво транспорти 21,2 фоизга, маиший хизматлар нархи ўртача 16,8 фоизга ва уй-жой коммунал хизматлари нархлари 17,2 фоизга ошди.

### Базавий инфляция

2020 йилнинг I чорағида базавий инфляция даражаси 2019 йил декабрига нисбатан (мавсумий ва тартибга солинадиган нархларсиз ҳисобланган инфляция) 1,1 фоиз бандга пасайиб, 12,7 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, базавий инфляция таркибига кирувчи товарлар нархлари 12,8 фоизга, хизматлар эса 10,6 фоизга ошди.

#### 25-расм. Базавий инфляция

(йиллик ўзгариш, фоизда)



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Мазкур даврда **қисқартирилган инфляция** динамикаси<sup>4</sup> (базавий инфляциянинг алтернатив кўрсаткичи) ҳам пасаявчи трендга эга бўлди. 2020 йил март ойида йиллик 10,3 фоизни ташкил этди.

<sup>4</sup> **Қисқартирилган инфляция** – бу базавий инфляцияни тавсифловчи алтернатив кўрсаткич бўлиб, ҳар ойда ИНИ таркибидаги энг юқори ва энг паст даражадаги ўсиш суръатига эга бўлган нархларни чиқариб ташлаш йўли билан ҳисобланади. Ушбу усул бир марталик маълум бир омиллар туфайли юзага келиши мумкин бўлган нархларнинг ҳаддан ташқари ҳаракатларини филтрлашга ёрдам беради. Хусусан, кесилган инфляция Ўзбекистон Марказий банки томонидан ИНИ саватидаги товарлар ва хизматлар гуруҳлари нархлари ўзгариши тақсимотининг 15 фоиз юқори ва 15 фоиз қуйи қисмларини чиқариб ташлаган ҳолда, қолган 70 фоиз товар ва хизматлар гуруҳлари нархлари ўзгаришидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Базавий инфляциянинг пасайишига бюджет харажатларининг мақбуллаштирилиши ва миллий валютадаги кредит портфели ўсиш суръати секинлашиши, шунингдек, ўтган чорақда ҚҚС ставкасининг пасайтирилиши ва 2019 йил бошида ҚҚС солиқ базасига киритилган ўзгаришлар таъсирининг тугаши сабаб бўлди.

Ўз навбатида, иқтисодиётга пул қўйилмаларининг оптималлаштирилиши миллий валюта алмашув курсининг сўнгги чорақларда нисбатан барқарор бўлишига асос яратди, бу эса импорт нархларига бўлган босимни юмшатди.


Таъкидлаш жоизки, II чорақда базавий инфляция, алмашув курсининг апрель ойидаги ташқи шароитларга мослашуви натижасида бироз ошиши эҳтимоллиги билан, ўз даражасида сақланиб қолиши мумкин. Иккинчи ярим йилликда эса ўтган йилги энергия нархлари индексацияланиши таъсирининг тугаши ва ялпи талаб камайиши натижасида базавий инфляциянинг пасайиши кутилмоқда.

### Инфляцион кутилмалар

2020 йил январь-февраль ойларида бизнес ва аҳолининг инфляцион кутилмалари пасайиш тенденциясига эга бўлди. Март ойида эса карантин чекловлари натижасида асосий озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ошиши сабабли, аҳолининг кутилмалари февраль ойи даражасида сақланиб қолди.

## 26-расм. Сезилаётган инфляция ва инфляцион кутилмалар

(фоизда)



Манба: Сўров натижалари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари сезиларли даражада ошди.

Сўровда иштирок этган тадбиркорлик субъектлари инфляцион кутилмалари ўсишини март ойининг бошларида асосий савдо-ҳамкор мамлакатлар валюталарининг қадрсизланиши оқибатида сўмнинг кескин девалвацияси бўйича кутилмалари, карантин чоралари натижасида импортнинг чекланиши ва ишлаб чиқаришнинг пасайиши туфайли ички бозорда таклиф ҳажми қисқариши билан изоҳлашди.

## 27-расм. Бизнес вакилларининг фикрлари бўйича кейинги 12 ой давомида нархларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллар

(мазкур омилни белгилаган сўров иштирокчиларининг улуши, фоизда)

| Асосий омиллар  | 2019m1 | 2019m2 | 2019m3 | 2019m4 | 2019m5 | 2019m6 | 2019m7 | 2019m8 | 2019m9 | 2019m10 | 2019m11 | 2019m12 | 2020m1 | 2020m2 | 2020m3 | 2019q1 | 2019q2 | 2019q3 | 2019q4 | 2020q1 |
|---|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|---------|---------|---------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|
| Доллар курсининг ошиши                                    | 71     | 65     | 53     | 61     | 60     | 57     | 60     | 74     | 77     | 71      | 67      | 74      | 67     | 59     | 46     | 63     | 59     | 70     | 71     | 57     |
| Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши                            | 42     | 40     | 46     | 35     | 50     | 42     | 48     | 50     | 50     | 44      | 38      | 44      | 52     | 48     | 35     | 42     | 42     | 49     | 42     | 45     |
| Энергия ресурслари ва коммунал хизматларнинг қимматлашиши | 55     | 59     | 50     | 47     | 59     | 35     | 44     | 46     | 44     | 42      | 39      | 44      | 49     | 42     | 34     | 55     | 47     | 45     | 42     | 42     |
| Транспорт харажатлари ошиши                               | 38     | 40     | 38     | 34     | 31     | 24     | 24     | 26     | 30     | 31      | 34      | 32      | 30     | 27     | 28     | 39     | 29     | 27     | 32     | 28     |
| Солиқ юкининг оширилиши                                   | 59     | 51     | 51     | 42     | 27     | 30     | 29     | 21     | 26     | 21      | 25      | 28      | 27     | 26     | 26     | 54     | 33     | 25     | 24     | 26     |
| Айрим товарлар импорти чекланиши                          | 13     | 14     | 13     | 7      | 11     | 8      | 9      | 7      | 10     | 11      | 11      | 16      | 11     | 16     | 25     | 13     | 9      | 9      | 13     | 17     |
| Ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши                          |        |        |        |        | 9      | 11     | 8      | 10     | 9      | 10      | 11      | 13      | 13     | 13     | 24     |        | 10     | 9      | 11     | 17     |
| Мавсумий омиллар  | 21     | 18     | 20     | 20     | 20     | 22     | 16     | 16     | 18     | 19      | 19      | 21      | 22     | 22     | 23     | 20     | 21     | 17     | 20     | 22     |
| Рақобат муҳитининг ёмонлашиши                             | 13     | 16     | 13     | 14     | 12     | 14     | 13     | 9      | 10     | 14      | 12      | 15      | 13     | 17     | 19     | 14     | 13     | 11     | 14     | 16     |
| Аҳолини кредитлаш ҳажмининг ошиши                         | 14     | 13     | 15     | 14     | 15     | 12     | 7      | 8      | 9      | 9       | 8       | 9       | 12     | 15     | 12     | 14     | 14     | 8      | 9      | 13     |

Манба: Сўров натижалари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Хусусан, 2020 йилнинг I чораги охирига келиб, аҳолининг келгуси 12 ойга инфляцион кутилмалари 15,5 фоизни, тадбиркорлик субъектларининг кутилмалари эса 18,6 фоизни ташкил этди. Таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик субъектларининг фикрига кўра, келгусида умумий нархлар даражасига иш ҳақи, энергия ресурслари ва коммунал хизматлар нархларининг таъсири камайиб боради.

## IV. Пул-кредит шароитлари

2020 йилнинг дастлабки чорагида ҳам иқтисодиётда мўътадил-қатъий пул-кредит шароитлари сақланиб қолинди. Хусусан, Марказий банк Бошқарувининг сўнгги йиғилишларида (16 январь ва 5 мартдаги) асосий ставка йиллик 16 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдирилди.

Бундан ташқари, 2019 йил IV чорагида ва жорий йилнинг I чорагида иқтисодиётда қатъий фискал шароитлар сақланиб қолди. Ҳукумат операцияларининг мавсумийлиги ва бюджет харажатларини оптималлаштириш бўйича чоралар банк тизими ликвидлигини камайтирувчи асосий омиллардан бўлди.

Бироқ, коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқироз билан боғлиқ вазият сабабли II чорақда ва жорий йилнинг кейинги чорақларида ҳам пул-кредит ва фискал сиёсатлар иқтисодиётни рағбатлантирувчи шароитларни таъминлашга йўналтирилади.

Инқироз ҳолатида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва иқтисодий фаолликни рағбатлантириш имконини берувчи ностандарт макроиқтисодий сиёсат чораларини ишлаб чиқиш зарурати кучаймоқда. Яъни, пул-кредит шароитлари иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш учун етарли даража мўътадил ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш учун керакли даражада қатъий бўлиши лозим.

Марказий банк Бошқарувининг 2020 йил 14 апрелдаги қарори билан асосий ставка 1 фоиз бандга йиллик 15 фоизгача пасайтирилди. Мазкур қарор иқтисодий фаолликнинг пасайиши ҳамда ташқи ва ички талабнинг қисқариши шароитида инфляция прогноз даражасининг пасайиши билан боғлиқ.


### *Пул-кредит операциялари*

Марказий банк инфляцион таргетлаш режими доирасида ўз пул-кредит инструментларини такомиллаштириш ишларини давом эттирди. 2020 йил бошидан асосий ставка ва фоиз коридори ҳамда 24 февралдан қисқа муддатли пул-кредит операциялари жорий этилди.

Бунда, банк тизимида мавжуд ортиқча ликвидликни жалб этиш мақсадида икки ҳафталик депозит аукционлари ва овернайт депозит операциялари жорий этилди. I чорақ давомида жами 810 млрд. сўмлик депозит аукционлари ўтказилди ва кунлик овернайт депозитлари бўйича 20 млрд. сўмдан 259 млрд. сўмгача ликвидлик жалб этилди (28-расм).

Шунингдек, банкларни қўшимча ликвидлик билан таъминлаш мақсадида икки ҳафталик РЕПО ва СВОП аукционлари ҳамда овернайт РЕПО ва СВОП операциялари ҳам жорий этилди ва улар тўловлар узлуксизлигини таъминлашга хизмат этмоқда.

**28-расм. 2020 йил I чорақда Марказий банкнинг пул-кредит операциялари (млрд. сўм)**



Манба: Марказий банк

Жорий йилнинг дастлабки чораги давомида жами 587 млрд. сўмлик РЕПО ва 305 млрд. сўмлик СВОП аукционлари ўтказилди. Кунлик овернайт СВОП операциялари бўйича 48 млрд. сўмдан 460 млрд. сўмгача ва кунлик овернайт РЕПО операциялари бўйича 95 млрд. сўмдан 218 млрд. сўмгача маблағлар тақдим этилди.

Таъкидлаш жоизки, агар февраль ва март ойларида тижорат банклари томонидан асосий талаб Марказий банкнинг депозит инструментларига нисбатан кузатилган бўлса, апрелдан бошлаб сезиларли ўзгаришлар рўй берди ва асосан ликвидликни таъминлаш инструментларига бўлган талаб ошди.

Хусусан, 1-28 апрель кунларида жами 464 млрд. сўмлик депозит аукционлари ўтказилган бўлса, РЕПО ва СВОП аукционлари ҳажми мос равишда 610 ва 296 млрд. сўмни ташкил этди.

Бундан ташқари, ушбу даврда овернайт депозитлар ҳажми кунлик ўртача 113 млрд. сўмдан 237 млрд. сўмгача, овернайт СВОП операциялари 97 млрд. сўмдан 446 млрд. сўмгача ва овернайт РЕПО операциялари 50 млрд. сўмдан 486 млрд. сўмгачани ташкил қилди.

Марказий банк томонидан тезкор пул-кредит операцияларининг жорий этилиши ва қўлланилиши банк тизимида ликвидликнинг самарали қайта тақсимланишига ҳамда фоиз канали орқали Марказий банк пул-кредит сиёсати қарорларининг иқтисодиётга ўтишига хизмат қилмоқда.

Қайсидир маънода, банк-молия тизимида “пулнинг нархи” шакллана бошлади. Хусусан, тўлақонли пул-кредит операцияларнинг бошланиши орқали пул бозори ўртача фоиз ставкаси ҳамда давлат қимматли қоғозлари бўйича фоиз ставкаларнинг Марказий банк фоиз коридори оралиғида асосий ставкага яқин даражада бўлиши таъминланди.

Пул-кредит операциялари, маълум маънода кредитлар бўйича тўловларни кечиктириш шароитида банкларнинг депозитлар бўйича мажбуриятларининг бажарилишига ижобий таъсир кўрсатди.

Ўз ўрнида, доимий равишда ликвидликни тақдим этишнинг йўлга қўйилганлиги ҳам банкларга тўловлар тўхтаб қолиши билан боғлиқ муаммоларни ўйламасдан банк хизматларини кўрсатиш имконини бермоқда, сабаби банклар исталган пайтда гаров эвазига Марказий банкдан ликвидлик жалб этишлари мумкин.

Шундан келиб чиқиб, II чорақда банклар томонидан пул-кредит операцияларига талаб яна ҳам ортиши, хусусан, таркибий профицитнинг чиқиб кетиши ҳамда асосан кунлик амалиётлар учун етарли ликвидлик қолганлиги ҳисобига аукцион операцияларига талаб мўътадиллашиб, овернайт операцияларига талабнинг сезиларли ортиши прогноз қилинмоқда.

Банклар ўртасида ликвидликнинг самарали қайта тақсимланишида банклараро пул бозори муҳим ўрин тутиши керак. Бунда, Марказий банк операциялари қўллаб-қувватловчи характер касб этади.

### **Пул бозори**


2019 йил декабрда банклараро пул бозорида ўртача тортилган фоиз ставкаси 17,5 фоизни ташкил этиб, Марказий банк фоиз коридорининг юқори чегарасидан ошган бўлса, 2020 йилнинг дастлабки чорағида фоиз коридори оралиғида ва асосий ставкага яқин даражада шаклланди. Хусусан, январь ойида пул бозорида фоиз ставкаси 15,8 фоизни, февраль ва март ойларида мос равишда 15,2 ва 16,0 фоиз ташкил этди (29-расм).

Бунда, пул бозорида шаклланган талаб ва тақлиф хусусиятларига эътибор қаратиш лозим.

Жумладан, 2019 йил якунида тижорат банклари йил давомида бюджетдан ва Пенсия фондидан жалб қилган депозитларни қайтариши лозимлиги ҳамда ликвидлик бўйича пруденциал назорат чоралари кучайтирилганлиги сабабли пул маблағларига юқори талаб кузатилган эди.

2020 йил I чорагида эса Марказий банк томонидан янги турдаги пул-кредит операцияларининг жорий этилиши пул бозоридаги талаб ва таклифнинг мувозанатлашиши учун замин яратди.

**29-расм. Банк тизими ликвидлиги, банклараро пул бозоридаги депозитлар фоиз ставкалари ва ҳажмлари (млрд. сўм ва фоизда)**




Манба: Марказий банк

Жорий йил I чорагида пул бозоридаги жами операциялар ҳажми 5,3 трлн. сўмни, 2019 йилнинг сўнгги чорагига нисбатан 3,0 фоизга (154 млрд. сўмга) ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,4 баробарга (3,1 трлн. сўмга) ортиқни ташкил этди.

Шунингдек, инфляцион кутилмаларнинг юқори эканлиги ҳамда узоқ муддатли ресурсларнинг етарли эмаслиги сабабли пул бозорида 1 ойдан 3 ойгача бўлган депозит операциялари бўйича фоиз ставкалари юқорилигича сақланиб қолмоқда. Хусусан, январь ойида ўртача фоиз ставкаси 18,4 фоизга тенг бўлиб, март ойида 19,0 фоизгача кўтарилди (30-расм).

Банклараро пул бозорида 1 ойдан 3 ойгача бўлган депозит операциялари бўйича фоиз ставкаларнинг Марказий банк фоиз коридоридан юқори бўлиши маълум маънода Марказий банк томонидан 2 ҳафтагача бўлган пул-кредит операциялари фаол қўлланилиши ва асосий эътибор айнан пул бозорида қисқа муддатли операцияларни тартибга солишга қаратилганлиги билан боғлиқ.



**30-расм. Банклараро пул бозоридаги депозитлар фоиз ставкаларининг муддатлар бўйича таснифланиши (фоизда)**

Манба: Марказий банк

Шунингдек, пул-кредит инструментлари фаол қўлланила бошланганлигини ҳамда Марказий банк томонидан мазкур операциялар доимий равишда амалга оширилишига ишонч ортиши билан банклар ўртасида узоқ муддатли операциялар бўйича фоиз ставкаларда ҳам пасайиш кузатилади.

### **Пул массаси ва депозитлар**


2020 йил I чорагида умумий пул массаси 810 млрд. сўмга ёки 0,9 фоизга камайиб, 90,5 трлн. сўмни ташкил этди. Бунда, миллий валютадаги пул массаси 1,2 фоизга (63,6 трлн. сўмгача) ошган бўлса, хорижий валютадаги пул массаси 5,6 фоизга (26,9 трлн. сўмгача) камайди (31-расм).

Миллий валютадаги пул массаси таркибида муомаладаги нақд пуллар миқдорининг (M0) 1,6 фоизга (394 млрд. сўмга) камайганлиги ҳамда жисмоний шахслар жами депозитларининг 7,4 фоизга (961 млрд. сўмга) ошганлиги ижобий ҳолат ҳисобланади.

Айни пайтда, жорий йил I чорагида аҳолининг жамғариш фаоллигида маълум бир пасайиш кузатилди.

Хусусан, уларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари йиллик ўсиш суръати январь ойидаги 51,3 фоиздан март ойида 44,1 фоизгача пасайган бўлса, хорижий валютадаги муддатли депозитлари йиллик ўсиши мос равишда 21,7 фоиздан 15,0 фоизгача пасайди.


31-расм. Пул массаси ва унинг таркиби динамикаси (трлн. сўм ва фоизда)



Манба: Марказий банк

Миллий валюта алмашув курсининг барқарорлиги (I чорак давомида 0,8 фоизлик девальвация) ҳамда инфляция ва девальвация кутилмалардаги ижобий ўзгаришлар жамғармаларни миллий валютада сақлаш жозибадорлиги сақланиб қолишига хизмат қилди (32-расм).

32-расм. Аҳолининг муддатли депозитлари ўсиши динамикаси (ўтган йилга нисбатан, фоизда)



Манба: Марказий банк

Ўз ўрнида, хорижий валютадаги депозитларнинг қисқариши иқтисодиётда долларлашув даражаси пасайишини акс эттиради. Мазкур депозитлар таркибида жисмоний шахсларнинг депозитлари ҳажми

деярли ўзгаришсиз қолган бўлса, юридик шахсларнинг депозитларида сезиларли камайиш кузатилган.

Бу эса, маълум маънода глобал иқтисодий шароитларнинг ёмонлашуви, ташқи савдо ҳажмининг қисқариши ва хорижий валютадаги тушумларнинг камайиши билан боғлиқ.

Жорий йилнинг I чорагида муомаладаги нақд пуллар ҳажмида сезиларли ўзгаришлар кузатилмаган бўлса, апрель ойига келиб ўсиш тенденциси намоён бўлди. Муомаладаги нақд пуллар 1 апрелдаги 23,9 трлн. сўмдан 20 апрелда 26,0 трлн. сўмгача ошди ва бу аҳоли томонидан деҳқон бозорларидан бирламчи эҳтиёж товарларини харид қилиш мақсадида пулларни нақдлаштириш ҳажмининг ўсиши билан изоҳланади.

Шу билан бирга, коронавирус пандемияси шароитида тўловларни нақд пулсиз шаклда амалга ошириш соҳасини кенгайтириш ҳамда онлайн тўлов хизматларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, май ойидан бошлаб аҳолига пенсия тўловлари тўлиқ нақд пулсиз шаклда (пластик карточкалар орқали) тарқатилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, карантин ҳолатининг чўзилиши ва иқтисодий инқироз ҳолатининг сақланиб қолиши натижасида аҳолининг жамғариш кайфиятида салбий ўзгаришлар, хусусан, муддатли депозитлар ўсиш суръатларининг пасайиши юз бериши мумкин. Бундай ҳолатда, асосий эътибор очиқ коммуникация сиёсати орқали аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ҳамда миллий валютадаги депозитлар бўйича реал фоиз ставкалар ижобийлигини сақлаб қолишга қаратилади.


### **Фоиз ставкалар**

2020 йилнинг дастлабки чорагида ҳам миллий валютадаги кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаларида ўсиш кузатилиб, январь ва февраль ойларида мос равишда 25,8 ва 25,6 фоизни ташкил этди. Хорижий валютадаги кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалар эса пасайишда давом этди ҳамда декабрь ойидаги 7,7 фоиздан январь ойида 7,5 фоизгача ва февраль ойида 7,3 фоизгача пасайди (33-расм).

Миллий валютадаги кредитлар бўйича фоиз ставкаларнинг юқорилиги узоқ муддатли ресурсларнинг қимматлиги ҳамда жорий йил январь-февралда кредитларга бўлган талабнинг юқорилиги билан изоҳланади.

Шунингдек, жорий макроиқтисодий ҳолатни инобатга олган ҳолда, келгуси даврларда кредитларга бўлган талабнинг пасайиши сабабли кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаларнинг пасайиши кутилмоқда.

33-расм. Миллий ва хорижий валютадаги депозитлар ва кредитлар бўйича фоиз ставкалар (фоизда)



Манба: Марказий банк

Хорижий валютадаги кредитлар инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга, хусусан, машина ва асбоб-ускуналар импорт қилиш мақсадида ишлатилади. Шу сабабли, фоиз ставкалар бўйича жорий ҳолат (миллий валютадаги кредитлар бўйича фоиз ставкаларнинг юқорилиги ва хорижий валютадаги кредитлар бўйича фоиз ставкаларнинг пастлиги) маълум даражада иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш, инвестицияларни рағбатлантириш ва инфляция босимни пасайтиришга қаратилган.

2020 йилнинг I чорагида жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича фоиз ставкаларда ҳам ўсиш кузатилди. Хусусан, миллий валютадаги муддатли депозитлар бўйича фоиз ставкалар декабрдаги 19,7 фоиздан январда 20,4 фоизгача кўтарилди ва февралда 19,9 фоизни ташкил этди.

Ўз ўрнида, жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги муддатли депозитлари бўйича фоиз ставкалар ҳам декабрдаги 4,0 фоиздан февралда 4,3 фоизгача кўтарилди.


Миллий ва хорижий валютадаги муддатли депозитлар ўртасидаги фарқ январ ойида 16 фоизгача ўсган бўлса, февралда 15,6 фоизни ташкил этди. Мазкур тафовутларни 2014-2020 йилларда миллий валютанинг ўртача йиллик девальвацияси билан таққослаганда таҳлиллар:

- 2014 йилдан 2017 йил сентябргача бўлган даврда ўртача йиллик девальвация даражаси 19,3 фоизни ташкил этиб, депозит ставкалари ўртасидаги фарқдан юқори бўлганлиги сабабли ушбу даврда жамғармаларни хорижий валютада сақлаш манфаатли бўлганлигини;

- 2017 йил сентябрдан 2020 йил мартгача бўлган даврда ўртача йиллик девальвация 6,8 фоизни ташкил этган шароитда, аҳоли учун жамғармаларни миллий валютада банк депозитларида сақлаш фойдалироқлигини кўрсатди (34-расм).

Бундан ташқари, миллий валютадаги депозитларнинг ортиши банклар учун узоқ муддатли ликвидликни яратиб, кредит бериш имкониятларини оширади ва бу, ўз навбатида, кредитлар бўйича фоиз ставкаларнинг келгусида пасайишига олиб келади.

**34-расм. Жисмоний шахсларнинг миллий ва хорижий валютадаги муддатли депозитлари бўйича фоиз ставкалар тафовути (фоизда)**



Манба: Марказий банк


### Кредитлар динамикаси

2020 йилнинг дастлабки чорагида иқтисодиётга ажратилган кредитлар жами қолдиғи 5,9 фоизга ёки 12,3 трлн. сўмга ошиб, 220,6 трлн. сўмга етди. Бунда, миллий валютадаги кредитлар қолдиғи 5,0 фоизга (5,7 трлн. сўмга) ҳамда хорижий валютадаги кредитлар қолдиғи эса 7,1 фоизга (6,7 трлн. сўмга) кўпайди (35-расм).

Кредит қўйилмалари таркибида хорижий валютада ажратилган кредитлар улуши қарийб 46 фоизни ташкил этиб, чорак давомида деярли ўзгаришсиз қолди.

Мазкур ҳолат маълум даражада чоракнинг биринчи ярмида ташқи шароитларнинг барқарорлиги ва девальвацион хатарларнинг эътиборга олинмаганлиги билан боғлиқ. Келгусида хорижий валютадаги кредитларнинг ўсиши нисбатан чекланган характер касб этади. Жорий инқироз қарз олувчиларнинг хатти-ҳаракатларига таъсир этади ва уларнинг эҳтиёткорлигини оширади.

35-расм. Иқтисодиётга кредит қўйилмалари (трлн. сўм) ва унинг валюта таркиби



Манба: Марказий банк

Шу ўринда, иқтисодиётда қатъий пул-кредит шароитларида, кредитлаш амалиётида қисқариш кузатилмади. Жорий йилнинг I чораги давомида жами 30,0 трлн. сўмлик кредитлар ажратилган бўлиб, бу ўтган йилнинг мос даври билан солиштирганда 4,2 трлн. сўмга ёки 16 фоизга ортиқни ташкил этди.

Бунда, кредитларнинг қайтувчанлик даражасида ҳам ўсиш кузатилди. Агар 2019 йилнинг I чорагида ажратилган кредитларнинг 48 фоизи аввал берилган кредитларнинг сўндирилиши ҳисобидан берилган бўлса, 2020 йил I чоракда мазкур кўрсаткич 64 фоизни ташкил этди (36-расм).


Коронавирус пандемияси шароитида қарздорларнинг кредит тўловлари билан боғлиқ хатарларини юмшатиш мақсадида барча кредит ташкилотларига:

жорий қилинган карантин режими фаолиятига салбий таъсир кўрсатган қарздор – жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига асосан, 2020 йил 1 октябрга қадар кредит тўловларини қайтаришда имтиёзли давр бериш;

мос равишда якуний тўловлар муддатларини узайтириш;

муддати ўтган қарздорликларнинг кечиктирилишида жарима санкцияларини қўлламаслик ҳамда ундирувни кредит таъминотиغا қаратмаслик тавсия этилди.

**36-расм. 2019-2020 йиллар I чорақда ажратилган ва сўндирилган кредитлар ҳажми (трлн. сўм)**



Манба: Марказий банк

Хусусан, 2020 йил 28 апрель ҳолатига тижорат банклари томонидан молиявий қийинчиликларга дуч келган аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган жами 21 трлн. сўмдан ортиқ кредитлар бўйича тўлов муддатлари кечиктирилди.

Шунингдек, кредит ташкилотларига юқоридаги тавсияларга асосан шартлари қайта кўриб чиқилган кредитлар сифатининг таснифини ўзгартирмаслик ҳамда қўшимча захира шакллантирмаслик ҳуқуқи берилди.

Кредитлар ҳажми номинал ЯИМ ўсиш суръати даражасида (18-22 фоиз) ўсиши кутилмоқда. Хусусан, II чорақда асосан қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш соҳаларига ва айланма маблағларга кредитлар ажратилади. Базавий сценарий бўйича карантин чораларининг II чорақда тугаши ва III чорақдан иқтисодиётнинг тиклана бошлаши шароитида кредитлаш фаоллигининг ҳам ошиши кузатилади.

© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2020

---

*Пул-кредит сиёсати департаменти томонидан тайёрланди*

*Ўз таклиф ва эътирозларингизни қуйидаги манзилга жўнатишингиз мумкин:*

*E-mail: [achilov@cbu.uz](mailto:achilov@cbu.uz)*

*Тел.: (+998) 71 212-60-22*